

«Ярим вайрона саройдаги зулмат ичида
у пахмок бошини кўтарди.
Унинг сап-сарик кўзлари ёнарди.
– Мен очман, - ириллади у.»
«Бўри».
Генри Эллендер

Январ

Эхтимол, каерлардадир осмонда тўлин ой чараклаб тургандир, лекин бу ерда, кичкинагина Такер Миллз шахарчасида, инжик январ хавоси бутун осмонни калин кор пардаси билан тўсиб ташлаганди. Изгирин шамол кутурганича бўм-бўш кўча бўйлаб кезар, шахарнинг сарик рангли кор сурадиган машиналари аллақачон калин кор остида колганди.

«GC&WM» темир йўл компанияси ходими, эгнига жун пиджак кийган озгин, узун бўйли Арни Вестрам лабига «Кемел» сигаретини кистириб олганича асбоб-ускуналар сакланадиган омборда тунни ўтказётганди. Унинг машинаси йўлда бузилиб колган ва у тонг отишини кутиб, ўзи билан ўзи карта ўйнаб ўтирарди. Ташкарида шамолнинг увиллаши кучайди. Вестрам бошини кўтарди ва кулок солди, кейин яна карта ўйинига берилди. Бу бор-йўги бир шамол...

Лекин шамол эшикни тирнамайди... ва ичкарига киритишларини сўрамайди.

Арни картасини йигиштириб, ўрнидан турди. Унинг ажин босган юзида деворда осиглик турган керосин лампанинг шуъласи жилваланарди.

Эшик яна тирналди. Бирортасининг ити, ўйлади у, совукда қолиб кетган, энди исинмокчи.

Аммо уни нимадир тўхтатиб турарди. Итни ташкарида, совукда колдириш берахмлик, албатта, ўйлади у, бироқ эшикни асло очмасликка қарор қилди. Кўркувнинг совук панжалари унинг юрагини гижимлаб турарди.

Такер Миллзда нохуш давр ҳукм сураётганди; об-хаво қандайдир нохушлиқдан дарак берар, Вестрамнинг томирида оқаётган Уелс қони эса уни бундай нарсаларга жиддий ёндашишга мажбур қиларди.

У чакирилмаган мяхмонни нима қилиш кераклигини ўйлашга улгурмади, кутилмаганда шамолнинг овозини ёвуз ўқириш босиб кетди. Эшик оғир тананинг зарб билан урилишидан титраб кетди... сўнг яна зарба берилди. Юпка эшик зарбалардан синиб кетгудай бўлар, унинг ёригидан қор парчалари отилиб қирарди.

Арни Вестрам талвасага тушганича эшикка тираш учун бирор буюм топиш илинжида аланглай бошлади. Аммо у синик стул олдига етиб борганича номаълум мавжудот шундай кучли зарба бердики, эшик ўртасидан ёрилиб кетди.

Бир неча лахзаларга у узун ёрик орасида қисилиб турди, унинг тумшуги қаҳр билан жийрилган, сап-сарик кўзлари ёниб турарди. Бундай улкан бўрини Арни умрида кўрмаганди...

Ва унинг ириллашида узук-юлук инсон сўзлари кулокка чалинарди.

Нихоят эшик иккига бўлиниб кетди. Махлук хонага қирганди.

Арни бурчакка отилди ва кўлига белкуракни олди. Махлук полга капишганича оловдек сарик кўзларини бурчакдаги кишига тикканди. Унинг катта очилган огзидан тили осилиб турар, козикдек курак тишлари ялтирарди.

У ириллаганича олдинга сакради. Арни Вестрам белкуракни силтади.

Факат бир марта.

Инсон кичкириги эшитилди ва шу захоти ўчди.

Худди тўлин ой калин булутлар орасига яширинганидек, Такер Миллзга инсонлар калбини дахшатга солувчи хавотир яширинча кириб келди. Хеч қандай сабаб ва огохлантиришларсиз Мейн штатидаги мўъжазгина шаҳарчада киш тунларининг бирида бўри-одам пайдо бўлди. Махаллий газетада илгари табиат ишкибозлари клубининг саёхатлари хақида мақолалар чоп этилган бўлса, энди қайгули мавзуда хабарлар берилди бошланди.

Бўри-одам даври шу тарзда бошланди.

Феврал

Авлиё Валентин куни арафасида Стелла Рандолф каравотида ётганича деразадан кўришиб турган ойни томоша қилар ва севги хақида ўй сурарди.

О, севги, севги. Сен қандайсан ўзи?...

Бу сафар Авлиё Валентин куни муносабати билан камтарин чевар Стелла севги изхори битилган нақд йигирмата табрикнома олган, улар орасида Жон Траволта, Роберт Редфорд ва Пол Ньюмен... хатто машхур «Кисс» гуруҳи хонандаси Эйс Фрилидан келган табрикномалар ҳам бор эди. Уларнинг барчаси девордаги китоб тоқчасига тартиб билан териб қўйилганди. Хар доимгидек, бу табрикномаларни у ўзига ўзи жўнатганди. Севги – бу тонгдаги бўса... ёки ишқий романдаги сўнгги хайрлашув бўсаси... Севги... бу окшомдаги атиргул...

Такер Миллзда ҳамма унинг устидан кулса ҳам майли. Ёш болалар уни мазах қилишса ҳам, «семиз сигир» деб аташса ҳам майли, барибир у севги ва тўлин ойнинг нима эканлигини ҳаммадан кўра яхшироқ билади. Ва ҳозир, у ўзининг бесўнақайлигини унутганича севги келишига ўзини ишонтирарди.

Қутилмаганда кимдир деразани тирнаганга ўхшади.

У ўрнидан турди. Деразадан тушаётган ой нуруни эркак кишининг шарпаси тўсиб турарди.

- Мен ухляпман, - ўйлади киз, - холбуки бу туш экан, мен унинг ичкарига киришига ва мен билан истаганини қилишига рози бўлман... Майли, одамлар севги ифлос, тақикланган нарса деяверишсин... Йўқ, севги энг соф, энг тўгри... Севги – бу лаззат... Хали ҳам туш кўраётганига ишонган киз кўзларини ярим очганича дераза томон йўналди. Бирок кўли совук ойнага теккач, у ташқарида эркак кишини эмас, каттакон пахмок бўрини кўрди, у дераза рафига панжаларини тираганича уй ичига қараб турарди. «Йўқ, Авлиё Валентин тунида албатта севгим келиши керак», - ўйлади киз. Унинг кўзлари алдаяпти холос. Албатта бу эркак киши, унинг севгиси.

Бу ойдин тунда у кизнинг олдига келган. У...

Киз деразани очди ва юзларига урилган совук шамол уни бу туш эмаслигидан огох этди. Хеч қандай киши йўқ эди ва у буни тушунди. У кўркувдан қалтираганича ортига

тисарилди ва шу лахзада хона ичига бўри ўқдек отилиб кирди.

Севги... бу... тунги фарёд...

Темир йўлни таъмирлаш ускуналари сакланадиган омборда яқинда Арни Вестрамнинг нимталаб ташланган танаси топилганлиги кизнинг ёдига жуда кеч тушди. Жуда кеч... Улкан махлук у томон кадам ташлади. Стелла оркага тисарилди, оёғи каравотга урилиб, чалканчасига йиқилди.

Бўри унинг устига энгашди. Киз унинг кайнок нафасини хис килди. Бўрининг сарик кўзлари унинг кўзларига тикилди.

- Менинг севгим, - пичирлади киз ва кўзларини юмди.

Севги – бу ўлим...

Март

Бу йил охирги ёккан огир хўл кор Такер Миллздаги барча йўлларни дарахтларнинг синган шохларига тўлдириб ташлади.

- Она табиат ўз мулкани тартибга соляпти, - деди шахар кутубхоначиси Милт Штурмфюллер ўзига-ўзи. У хотини билан стол ёнида ўтирганича кахва хўпларди. Орик, кўзлари кўк ўрта бўйли бу киши ўн икки йилдирки, хотинини хўрлаб келарди. Лекин буни ҳеч ким билмасди.

Милтга ўзи топган ибора шунчалик ёкиб тушдики, у сўзларини яна такрорлади: «Ха, она табиат ўз мулкани тартибга соляпти...» Шу пайт чирок бир липиллади-ю, ўчди. Бундай бўлишини кутмаган Донна Ли Штурмфюллер кичкириб юбораркан, кахвасини тўкиб юборди.

- Тезда латтани ол-да артиб ташла,- деди совук охангда Милт. – Хозирок.

- Ха, жоним, албатта.

Коронгиликда сочикни излаётган аёл оёгини стул киррасига уриб олиб яна кичкирди.

Эри кўзидан ёш чиккунча кулди. Унинг энг севимли машгулоти хотинига озор етказиш ва «Ридерз Дайжест» журналида чикадиган латифаларни ўқиш эди.

Ўз мулкани тартибга солаётган она табиат куриган шохлар билан бирга адашиб электр узатиш симларини ҳам узиб юборганди. Огир хўл кор симлар устига ёгаверди, ёгаверди, натижада симлар узилиб кетди.

Бутун шахарча зулмат ичида колди.

Ўз ишидан каноатланган кор аста-секин тинди. Харорат ўн олти даража совук эди.

Йўллар кахратон совукдан хоккей майдони сингари яхмалакка айланганди. Уйлар хали ҳам зулмат ичида эди. Яхмалак йўлдан юриб симларни улашга хозирча махаллий монтёр ўзида журъат тополмаётганди.

Булутлар сезиларли даражада сийраклашди ва улар орасидан тўлин ой мўралади.

Тунги жимжитликни бўрининг увиллаши бузди.

Котиб ухлаётган эрининг ёнида ётган Донна Ли бу увиллашни жимгина тингларди.

Констебл ҳам Лаурел Стритдаги уйи деразаси олдида турганича бу овозга кулок солди.

Увиллашни бошқалар ҳам эшитишди.

Лекин овоз эгаси кимлигини ҳеч ким билмасди. Шунингдек, эрталаб симларни улаш учун Таркер Брукка борган махаллий монтёр кўриб колган кўчада ётган саёк кишининг исмини ҳам ҳеч ким билмади. Музлаб колган жасад чалканчасига ётар, эски палто ва кўйлаги

бурда-бурда килиб ташланганди. Унинг дахшатдан котиб колган кўзлари осмонга тикилганди.

Жасад атрофи изларга тўлиб кетганди.

Бўри панжасининг изларига.

Апрел

Ой ўрталарига келиб, кор ўрнини сурункали ёмгирлар эгаллаган паллада Такер Миллз яшилликка буркана бошлайди.

Матти Теллингемнинг ховузидаги муз ва одамлар «катта ўрмон» деб атайдиган ўрмондаги корлар эриб, йўкола боради. Бахор келаётганини хис килади киши. Шахарча узра вахима кўланкаси пайдо бўлганига карамасдан бу байрамни хар бир шахарлик ўзича нишонлайди. Хейг буви пироглар пиширади ва совутиш учун дераза токчасига териб кўяди. Якшанба кунлари рухоний Лестер Лоу «Сулаймон подшо кўшиклари»дан парчалар ўкийди ва «Тангри мухаббатининг тирик булоги» мавзусида чикишлар килади. Дунёвий мактаб тарафдори, атеист ва пиёниста Крис Райтсон бўкиб арок ичади. Такер Миллздаги ягона ковокхона эгаси Билли Робертсон Крис Райтсонни кузатиб кўяркан, ошпаз аёлга агар бугун тунда бўри-одам бирортасини ўлдирадиган бўлса, бу курбон албатта Крис бўлишини айтиб мингирлайди.

- Худо хакки, менга уни эслатма, - деб унинг гапини бўлади ошпаз аёл.

Унинг исми Элайза Фурне бўлиб, йигирма тўрт яшар бу аёл черковга хар хафта борар ва рухоний Лестер Лоуга бўлган яширин мухаббати туфайли черков хорида берилиб куйларди. Аммо бу мухаббатига карамасдан у Такер Миллзни тарк этиб бошка хотиржамрок жойга кетмокчи эди, чунки бўри-одам билан боглик дахшатли вокеалар уни хавотирга солаётганди. У Портсмутда хам яхшигина пул топиш мумкинлигини ва у ерда бўрилар бўлса хам, улар харбий флот денгизчилари бўлишини ўйларди.

Хакикатан хам, ой тўлишган пайтда Такер Миллзда тунлар дахшатли тус оларди.

Кундузи эса хар холда яхши эди. Кутилмаганда шахарча осмонида варраклар пайдо бўлар, улар кундан-кунга кўпайиб борарди.

Кеча ўзининг ўн биринчи бахорини каршилаган Бреди Кинкейдга варрак совга килишганди. У бугун оламдаги хамма нарсани унутганича кунни билан варрак учирди. У кечки овкатгача уйга кайтиши хакида берган ваъдасини хам унутиб кўйганди. У хатто болаларнинг аллакачон уй-уйларига таркалиб кетишганини, богда ёлгиз ўзи колганлигини хам сезмаганди.

Факатгина гира-шира коронгулик атрофни коплай бошлагани унинг богда ортикча узок вакт колиб кетганлигини англашга мажбур килди. Ўрмон ортидан тўлин ой кўтарилиб борарди. Бреди кечки овкатга кеч колганидан, отаси энди уни жазолашидан ёки коронгиликдан кўркмаётганди.

Мактабда у бўри-одам хакида шивирлаб гаплашадиган ўртокларини масхара киларди. Аммо энди у кўркувдан калтирай бошлади. Болаларнинг кўркинчли хикоялари энди унга хакикатдек туюлаётганди.

У шошиб-пишиб галтагини ўрай бошлади. Варрак хавода чирпирак бўлиб айланди ва боладан ўнлаб кадам нарига тушди.

Бреди варраги тушган томонга кадам ташларкан, йўл-йўлакай галтагини ўраб борарди...

бир пайт унинг кўлидаги галтак худди балик илинган кармок ипидек каттик тортилди. Тунги сукунатни момакалдирокдек ўкирик бузди ва Бреди Кинкейд кичкириб юборди. У ишонади, энди у болаларнинг чўпчаклари рост эканлигига ишонади, лекин энди кеч. Унинг кичкиригини бўрининг этни сескантирадиган увиллашга айланаётган ириллаши босиб кетди.

Бўри бола томон кадам ташларди. У худди одамлардек икки оёклаб югурар, калин жуни ой нурида ялтирар, кўзлари эса чирок сингари ёниб турарди. Унинг одамларникидек узун тирнокли кўлида варрак хилпирарди.

Бреди бурилиб кочишга шайланди, лекин кучли кўллар унинг елкасидан тутди. У кон исини туйди.

Бредини эрталаб бог ичидан топишди. Боланинг бошсиз танаси уруш кахрамонларига атаб тикланган хайкалга суяб кўйилган, бармоклари орасига кистирилган варрак эса шамолда ўйнарди.

Май

Якшанбага ўтар кечаси рухоний Лестер Лоу дахшатли тушдан терга ботган ва калтирок босган холда уйғониб кетди. У катта очилган кўзларини черков ховлисига караган деразага кадади. Деразадан кўриниб турган тўлин ойнинг кумушранг нурлари полни ёритарди ва рухоний хатто бўри-одамни кўришга ҳам тайёр эди. У кўзларини чирт юмди ва ёвуз кучни эслагани учун Худодан кечиришини сўраб илтижо килди. Яратганга илтижосини у хар доимгидек «... Исо Масих номи билан. Омин» деб тугатди.

Агар бу лаънати туш бўлмаганида эди...

У тушида черковда адашганларнинг кайтиши хакида маъруза ўқиётган эмиш. Черков одатдагидан фаркли равишда ибодатга келганлар билан тўла экан.

Тушида у шунчалик эхтирос билан маъруза ўқирдики, ўнгида ҳеч қачон бундай қилмасди.

У «Йирткич бизнинг орамизда юрибди» деган мавзуда маъруза қилаётганди.

- Йирткич, - деди у, - хар доим бизнинг орамизда яшириниб юради. Шайтон учун чегара йўқ. У мактабда битирув кечасида ракс тушиши мумкин. У сиздан бир кути сигарет ва гугурт сотиб олиши мумкин. У сосиска чайнаганича Бангордан келадиган автобусни кутиб Брайтоннинг дорихонаси рўпарасидаги бекатда сиз билан бирга ўтириши мумкин. Йирткич контсерт залида сизнинг ёнингизда ўтириши ёки Мейн Стритдаги Чет ва Чоу барида олмали пирог ейиши мумкин.

- Йирткич, - давом этди у, овозини пасайтириб. – Йирткичдан кўзингизни узманг. Чунки у сизга жилмайиб, кўшнингиз эканлигини айтиши мумкин, лекин унга ишонманг, иниларим ва сингилларим, зеро унинг тишлари ўткир ва агар унга диккат билан карасангиз, унинг кўзлари ўйнаётганлигини кўрасиз. У Йирткичдир, у хозир шу ерда, Такер Миллзда. У... Шу пайт у жим бўлиб қолди, унинг нотиклик санъати ниҳоясига етди, чунки бу ерда, черковда, унинг кўз ўнгида дахшатли воқеа юз бераётганди. Черковга ташриф буюрганларнинг юзлари ва баданлари ўзгара бошлади ва у бу ерга йигилган уч юз нафар кишининг бўри-одамларга айланишаётганини кўрди. Шахар бошқаруви раиси, оппок ва семиз Виктор Боулнинг ранги қорая бошлади, сўнг юзларини калин тук қоплади. Мусика ўқитувчиси Ваёлет Маккензи... унинг озгин танаси кутилмаганда семирди, бурни эса узун ва текис кўринишга келди. Табиатшунослик ўқитувчиси Элберт Фриманнинг

танаси семириб, костюми йиртилиб кетди ва кийимлари орасидан коп-кора калин жунлар ўсиб чикди. Унинг калин лаблари очилиб, курак тишлари кўринди.

- Йирткич... - кичкиришга уринди рухоний Лоу, аммо тили унга бўйсунмасди ва у дахшат ичра ортига тисарилди. Черков ходими Кел Бладвин тишларини иржайтирганича олдинга отилиб чикди. Унинг ортидан Ваёлет Маккензи ташланди ва улар бир-бирларини тишлаб-тирнай кетишди.

Уларга бошқалар ҳам кўшилишди. Черков худди хайвонот богида овкат берилаётган пайтни эслатарди. Бу сафар умумий шовкинга рухоний Лоунинг «Йирткичлар! Йирткичлар биз билан! Улар ҳамма жойда бор! Йирткичлар!!!» деган чийилдок овози ҳам кўшилди. Бирдан у овози бошқача чикаётганини, гапириш ўрнига ириллаётганини сезиб колди. Кора ридосининг энгларидан ҳам кўл эмас, узун тирнокли панжалар чикиб турарди...

Шу пайт у уйғониб кетди.

- Бу бор-йўги туш, - ўйлади у ўзини-ўзи тинчлантиришга уринаркан. – Худога шукр, бу бор-йўги туш.

Лекин эрталаб черков эшигини очаркан, унинг кўзи биринчи бўлиб тушган нарса черков коровули Клайд Корлисснинг бошсиз танаси бўлди. Рухоний Лоу шунча дуо-илтижо килса-да, бу туш эмасди ва у дахшатга тушганича дод солди.

Ха, Такер Миллзга яна бахор келди – у ўзи билан бирга дахшат олиб келганди.

Июн

Йилнинг энг киска бу тунида Такер Миллздаги бар хўжайини Алфи Нопфлер барнинг пластик коплама копланган устунини яраклатиб артаётганди. Кахвахона бўм-бўш бўлиб, Алфи коронги кўчага тикилганича мана шундай ёз тунида ўтказган илк ишкий учрашувини хотирларди. Кизнинг исми Арлена Мак Кюн эди. Хозир у Бангордаги адвокатга турмушга чиккан. Қандай ажойиб тун бўлганди!

Кутилмаганда эшик очилиб, ичкарига ой нури тушди. Хозир тўлин ой бўлгани учун Алфи кахвахонага ҳеч ким келмаслигига ишонарди. Одамларнинг айтишларича, ой тўлган тунда Такер Миллз кўчаларида Йирткич пайдо бўларди. Аммо Алфи бундай эртақнамо миш-мишлардан чўчимасди, унинг огирлиги юз килога якин бўлиб, флотда хизмат килган чогида чиниккан мускуллари хозир ҳам анча-мунча одамни чўчитарди.

- Эхтимол, - ўйлади у, - барни эртарок ёпиш керакдир. Кахва кайнатгични ўчириб, музлатгичдан пиво оламан-да, кинога бораман. Бундай тунда пиво ичиб филм томоша килганга нима етсин.

Айни шу лахзада эшик очилди ва у ичкарига кириб келган мижозга ўгирилди.

- Салом, ишлар калай? – деди у ўзининг доимий мижозларидан бирига... унинг бундай тунда кириб келиши ажабланарли эди. Одатда, у барга эрталаб соат ўнда келарди. Мижоз у билан сўрашди.

- Кахва куйайми? – сўради Алфи.

- Агар мумкин бўлса.

«Кўринишидан, у бу ерда узок ўтирмаса керак. Касал бўлиб колдимикин?» ўйлади Алфи. Кутилмаган манзарадан унинг фикри бўлинди. Ялтирок кахва кайнатгичга тикилиб тураркан, у дахшатли ва гайритабиий манзаранинг гувоҳи бўлди. Такер Миллздаги хар

бир киши яхши танийдиган бу мижознинг ташки кўриниши аста-секин ўзгара бошлади. Унинг юзи худди резина никобдек чўзила бошлади. Кўйлаги чок-чокидан сўкилди ва Алфининг ёдига жияни севиб томоша киладиган фантастик филм тушди.

Бир неча сония ичида мижознинг юзи вахший хайвоннинг тумшугига айланди, унинг жигарранг кўзларида эса сарик-яшил учкун чакнади.

Кутилмаганда эшитилган ёввойи ўкириш қахрли ириллашга айланди. У – махлук, йирткич ёки бўри-одам, кимлигининг ахамияти йўқ, панжаларини пештахта устидаги канддонга узатди ва уни деворга каратиб отди.

Алфи кочаман деб қахва кайнатгични ағдариб юборди, кайнок ичимлик унинг оёгини куйдирди. Дахшат ва огрикдан ўзини йўқотиб кўйган Алфи овозининг борича кичкирди.

Йирткич хайвонларга хос эпчиллик билан пештахта устига сакраб чикди. Унинг устида хали ҳам сўкилиб кетган кўйлак ва шимининг парчалари осилиб турарди.

Йирткич ириллаганича Алфига ташланди. Йирткичнинг узун курак тишлари унинг елкасига ботди. Фаввора бўлиб отилган кон ҳаммаёкни кип-кизил килиб ташлади.

Алфи эмаклаганича кочишга уринди, кичкирмокчи ҳам бўлди, лекин унинг кўзлари тўлин ой нуридан қамашиб кетди. Йирткич яна унга ташланди ва Алфининг кўзларидаги ой шуъласи бутунлай сўнди.

Июл

Улар Муस्ताкиллик кунини нишонлашни такиклашибди!

Мана шу сўзлардан сўнг Мартин Кослав якинларининг норозилиklarини кўрди.

- Бунчалик ахмок бўлма, - деди онаси. Онаси унга кўпинча кўпол муомала килар, унинг ногиронлиги ва бир умр ногиронлар аравачасида ўтиришга махкум эканлиги учун ачинаётганлигини билдирмасликка уринарди.

- Келаси йилгача кутиб тур! – деди отаси унинг елкасига шапатиларкан. – Кейинги байрам зўр бўлади! Икки баравар зўр бўлади, жин урсин! Эй-ей, ўзинг кўрасан хали, кичкинтой!

Герман Кослав Такер Миллздаги ўрта мактабда жисмоний тарбиядан дарс берар ва ўглига доимо сохта самимият билан муомала киларди. Бундан ташқари, у хар икки гапининг бирида «ей-ей!» деган сўзни ишлатарди. Гап шундаки, Герман Кослав тўп ортидан кувадиган, югуриб юрадиган, кўкариб кетгунча сувда чўмиладиган соғлом болалар дунёсига ўрганган, Мартини кўрганда эса асабийлаша бошларди. Хар сафар Мартига кўзи тушганда унинг асаби кўзирди. Асабийлашганда эса «ей-ей!», «жин урсин!» деган сўзларни ўрни келса-келмаса ишлатаверарди.

- Ха-ха! Нихоят сен ўзинг истаган нарсани ололмадингми! – деди опаси, Мартин хокимият биниси олдида йилда бир марта бўладиган мушакбозликни кандай орзикиб кутганлигини айтганида.

Опаси Кейт ўн уч ёшда, у эса ўн ёшда бўлиб, опаси Мартин юра олмагани учунгина уни ҳамма яхши кўришига ишонарди. Шунинг учун мушакбозлик бекор килинганидан Кейт жуда хурсанд эди.

Хаттоки, доим Мартиннинг тарафини оладиган бобоси ҳам унчалик жон куйдирмади.

- Байрамни хеч ким такиклагани йўқ, болагинам, - деди у ўзиюрар ногиронлар аравачасида ўтирган Мартинга. Бу суҳбат икки кун илгари, иккинчи июлда бўлиб

ўтганди. – Улар бор-йўги мушакбозлик ва сайилни бекор қилишган, холос. Сабабини ўзинг биласан-ку.

Мартин бунинг сабабини биларди. Хаммасига газеталар «Тўлин ой котили» деб номлашган котил сабабчи эди. Мартин болалардан ҳам у ҳақда кўплаб миш-мишларни эшитганди. Уларнинг айтишларича, котил одам эмас, қандайдир махлук. Эхтимол, бўри-одамдир. Мартиннинг ўзи бунга ишонмасди – бўри-одамлар фақат дахшатли филмларда бўлади – балки у ой тўлишган тунда одам ўлдириш истаги кучаядиган котилдир. Мушакбозлик айнан ана шу котил сабабли бекор қилинганди.

Хаттоки январда ҳам, аравадада ўтирганча деразадан болаларнинг чана торткилашларини кузатган Мартин мушакбозликни ўйлаганида ҳамма нарсани унутарди. Унинг миясини иссик ёз, муздай кока-кола, мушакбозлик ўтказиладиган тун ҳақидаги ҳаёллар банд этарди.

Енди эса байрам мушакбозлигини бекор қилишибди... Одамлар нима деса деяверишсин, лекин Мартин улар Мустакиллик кунини – унинг байрамини тақиклашганини ҳис қиларди. Уни тушунадиган ягона одам бугун эрталаб уларникига келган Ал тоғаси эди. У айвонда боланинг ёнида турганча унинг сўзларини тингларди. Оиланинг барча аъзолари ховли ўртасидаги ховузда қийқириб чўмилишарди.

Мартин Ал тоғасига дилидаги гапларни ҳаяжон билан тўқиб солди.

- Нимани назарда тутаётганимни тушунапсизми? Бу онам ўйлаганидек, менинг ногиронлигим ёки бобом айтганидек, Мустакиллик куни билан мушакбозликни аралаштириб юбораётганим билан боғлиқ эмас. Фақат, сабрсизлик билан бир нарсани узок вақт давомида кутсанг... кейин эса шаҳар кенгашидаги жаноб Боул пайдо бўлиб, хаммасини йўққа чиқарса. Бу адолатдан эмас. Айниқса, бу сен учун жуда муҳим нарса бўлса, тушунапсизми?

Ал тоға Мартиннинг куйиб-пишиб айтган сўзларидан кейин узок сукутга чўмди. Сукунат шунчалик узокка чўзилдики, Мартин ховуз томонда кимнингдир сувга сакраганини ва отасининг «Зўр сакрадинг, Кейт! Эй-ей, гап йўқ!» деганини эшитди.

Сўнг Ал тоға хотиржамлик билан жавоб қайтарди:

- Албатта тушунаман. Биласанми, сенга бир совға тайёрлаб қўйганман. Эхтимол, бу сенга ўз Мустакиллик кунингни нишонлаш имконини берар.

- Ўз Мустакиллик куним? Нимани назарда тутяпсиз?

- Машинам олдига борайлик. Сенга бир нарса бераман. – У Мартин огиз очишга улгурмай бетон йўлак бўйлаб қадам ташлади.

Мартин аравачасини юргизди. Ховуздан узоклашгани сари у энди оила аъзоларининг шодон қийқирикларини эмас, аравача гилдиракларининг тараклашини эшита бошлади.

Ал тоғанинг томи очиладиган «мерседес»и бор эди. Ота-онаси бу машинани ёқтиришмас, Мартин эса уни кўрганда ақлдан озгудай қувонарди. Бир марта Ал тоғаси уни машинасига ўткизиб, шаҳар ташқарисида сайр қилдириб ҳам келганди.

Ал тоға машина ичидан нимадир олди ва Мартин машина олдига етиб келгач, қўлидаги тугунни унга узатди.

- Мана, ол, - деди Ал тоға. – Мустакиллик куни билан!

Дастлаб Мартиннинг кўзи хитойча ёзувларга тушди. Кейин тугунни очди. Тугун турли хил ўлчамдаги мушакларга тўла эди.

- Остидаги ипни тортиб ерга ташласанг, жуда ажойиб камалакни кўрасан. Мана буларини эса бўш шиша идишга солиб ёндирасан.

Ал тоға қийқириклар овози келаётган ховуз томонга кўз ташлади.

- Рахмат! – Нихоят Мартин ўзига келди. – Рахмат, Ал тога!

- Факат онангга уларни каердан олганлигингни айтма, - огохлантирди тогаси. – Айтишади-ку, кўр отга кўз кисишнинг нима хожати бор? Келишдикми?

- Албатта, албатта, - деди Мартин шошиб-пишиб, отга кўз кисиш билан мушакбозлик орасида кандай умумийлик борлигини тушунмаса-да. – Ишкилиб, булар сизга керакмасмиди, Ал тога?

- Керак бўлса яна топишим мумкин, - жавоб кайтарди Ал тога. – Брижтаунда бир танишим шунака нарсалар билан савдо килади. – У Мартиннинг бошини силади. – Мустакиллик кунини бемалол нишонлашнинг мумкин, факат хамма ухлаганидан кейин. Баланд овоз чиқарадиган мушакларни отмай кўякол, хаммани уйготиб юборасан. Ал тога машинасига ўтирди ва калитни буради. Машина ўрнидан кўзгалди. Мартин машина кўздан йўқолгунча миннатдорчилик маъносида қаддини эгиб турди ва томогига тикилиб колган тупукни ютишга уринаркан, бор кучи билан йиглаб юбормасликка тиришди. Сўнг тугунни яшириб, аравачасини хонаси томон юргизди. У тезрок коронгу тушиб хамма ухлашини сабрсизлик билан кута бошлади.

Бу окшом у хаммадан аввал ухлагга ётди. Унинг олдида онаси кирди ва (унинг адёл орасидан ингичка ёгочдек чикиб турган озгин оёқларига карамасликка уринаркан) хайрли тун тилаб уни ўпди. – Тузукмисан?

- Ха, ойи.

Онаси нимадир демокчи бўлди, лекин сўз тополмай бошини сарак-сарак килганча чикиб кетди.

Сўнгра опаси югуриб кириб, унинг устига энгашди ва шивирлади: - Хўш, калай? Сен ногирон бўлганинг учунгина истаган нарсангни олавермайсан.

- Агар менда нима борлигини билганигда огзинг очилиб коларди, - деди Мартин юмшоклик билан. Кейт хонадан чикиб кетиш олдидан унга шубхали назар ташлади. Охирида отаси кириб каравот четига ўтирди. – Тузукмисан, ошна? – деди у сохта кувонч билан. – Негадир эрта кунда ётиб олибсан. Жуд-да эрта.

- Чарчадим, дада.

- Ў кей, - у Мартиннинг ёгочдек оёқларига шапатилади ва ўрнидан турди. – Афсус, мушакбозликни бекор қилишибди. Хечкиси йўқ, келаси йили хаммаси яхши бўлади. Эй-ей! Хафа бўлма! – У хонани тарк этди.

Мартин жавоб ўрнига сезилар-сезилмас жилмайди.

Уйдагиларнинг жой-жойларига таркалишларини узок кутишга тўғри келди.

Мехмонхонадаги телевизор ишлашда давом этар ва экрандаги омманинг сохта кулгиларини тез-тез опасининг хиринглаши босиб кетарди. Онасининг телефонда кимнидир табриклаётгани эшитилди. «Ха, - дерди у, - афсус мушакбозликни бекор қилишибди. Менимча, хозирги вазиятни хисобга оладиган бўлсак, бу жуда тўғри қарор. Ха, албатта, Мартин каттик хафа бўлди». Сухбат сўнгида у кулди, Мартиннинг олдида у ҳеч қачон бунақа кулмасди.

Соат миллари етти яримдан саккизга, кейин тўқкизга келди, у халтанинг жойида турганлигига ишонч ҳосил қилиш учун тез-тез қўлини ёстик остига сукарди. Тўқкиз яримда, ой анча баландга кўтарилгандагина уй аста-секин сукутга чўма бошлади. Телевизорнинг ўчирилгани ва Кейтнинг бошка дугоналари кеч ётишлари хақида тўнгиллаганича ётоқхонага кириб кетгани эшитилди. Кейин эса ота-онасининг паст овозда гаплашишаётгани эшитилди. Ва...

...ва у барибир ухлаб қолибди, чунки қўлини ёстик остига тикканида уйда сукунат

хукмрон эканлигини, ой эса анча ёркин нур сочаётганлигини англади. У шошиб-пишиб халтани ва олдиндан тайёрлаб кўйилган бир кути гугуртни олиб чўнтагига солди. У энди каравотдан тушишга тайёр эди.

Мартин учун бу кийин иш бўлса-да, лекин атрофидагилар одатда ўйлашганидек огрикли эмасди. Унинг оёқлари сезиш кобилиятидан махрум эди, шунинг учун у ҳеч қандай огрикни хис қилмасди. У иккала кўли билан каравот четини ушлади ва бир амаллаб оёқларини пастга туширди. Сўнг каравотидан бошланиб, бутун хонани айлангириб боғланган туткични ушлади. Мартин туткичга таянганича аравачасига ўзини ташлади. Бир оз нафасини ростлагач, у диққат билан атрофга кулок солди. «Баланд овоз чиқарадиган мушакларни отмай кўякол, хаммани уйғотиб юборасан», деганди Ал тога. Уйдаги чуқур сукунатга кулок тутган Мартин тоғасининг ҳақ эканлигини тушунди. У ўз байрамини яққа ўзи нишонлайди ва буни ҳеч ким билмайди. Эртага мушак колдикларини кўришса кўришар. Бунинг ахамияти йўқ.

У тепкини босди. Ўзиюрар аравачанинг чирокчаси ёнди. Мартин ўнгга бурилиш тугмасини босди ва аравача ўнгга бурилди. Ташқарига чиқадиган эшикка юзлангач, Мартин «Олдинга» деб ёзилган тугмани босди, аравача олдинга юрди.

Мартин эшик зулфинини секин туширди ва ташқарига чиқди. Айвонда у халтани йиртди ва ёзнинг сеҳрли туни, чигирткаларнинг бир маромда чириллаши, билинар-билимас шабада, баргларнинг шитирлаши ва ой ёғдуси олдида мафтун бўлиб туриб қолди.

У ортик кута олмасди. Мартин дастлабки мушакни олиб, гугурт чакди, мушак кўк ва яшил учқунлар сачратиб юқорига кўтарилди.

Тўртинчи июл, - ўйлади у ва унинг кўзлари чакнаб кетди. – Бу менинг, факат менинг байрамим, менинг энг қувончли байрамим!

Мартин вақтни ўтказмасдан навбатдаги мушакни ёндирди ва сап-сарик рангли оловдан кўз узолмай қолди. Мушак ёниб тугашини кутмасдан у яна навбатдагисини ёндирди, бу сафар кип-кизил ранглар шуъласи атрофни ёритди.

У кўли билан пайпаслаб халта ичидан бир боғлам мушакни олди. Лекин Ал тоғасининг сўзлари ёдига тушиб, уни ҳозир отиш даҳшатли ходиса бўлишини – мушакнинг овози хаммани уйғотиб юбориши мумкинлигини ўйлади.

У мушакни тиззасига кўйди ва халтани титкилаб бошқа мушакни олди. Мартин пиликни туташтириб мушакни осмонга отди.

Кондек кип-кизил шуъла ўтлоқни ёритди... ва бу ёруглик ичида Мартин буталар орасидан ярим ириллаб-ярим йўталиб чиқиб келаётган улкан махлукни кўрди.

У бир неча сонияга ўтлоқ четида хавони хидлаб туриб қолди, сўнг ногиронлар аравачасида кўркувдан кўзи кинидан чиқиб кетай деб ўтирган Мартин томон қадам ташлади. У букчайганича аравачаси суянчигига қапишди. Махлук худди одамлардек икки оёқда тик туриб келарди. Унинг яшил кўзлари ўртасида кип-кизил чўғ ёнарди. У аста-секин яқинлашаркан, вақти-вақти билан тўхтаб, хавони хидларди. Йирткич узун курак тишларини кўрсатиб ириллади.

Худди одамнинг кўлига ўхшайдиган тирнокли панжалар боланинг томоғи томон чўзилди. Болақай шу онда хали ҳам кўлида бир боғлам мушакни ушлаб ўтирганини англади.

Мартин беихтиёр гугурт чақиб, пиликни ёндирди. Пилик атрофга учқун сачратганича, вишиллаб ёна бошлади. Бўри-одам ўзини орқага ташлади ва худди одамлардек овоз чиқарди.

Шу онда Мартин кўлидаги мушакни халтага солиб, халтани бўри-одамнинг тумшугига отди ва мушаклар бирин-кетин отила бошлади. Махлук этни жунжиктирадиган овозда

Ўқирди, огрик ва газабдан ўзини йўкотганича куйиб колган тумшугини ушлади. Бирданига тўртта мушакнинг отилишидан кейин Мартиннинг кўз олдида махлукнинг чўгдек ёнаётган кўзларидан бири оқиб тушди. У яна ўқирди, бу сафар огрикка чидолмай панжаларини юзига босди. Уйда бирин-кетин чироклар ёна бошлади, махлук ортига ўгирилди ва ўқирганича ўрмон томонга отилди.

- Нима бўлди?! - хаяжонланиб сўради Мартиннинг онаси. Бу сафар унинг овози илгаригидек курук эмасди.

- Ким у, жин ургур? – бакирди отаси.

- Мартин? – деди калтирок овозда Кейт. – Мартин, тузукмисан? Унинг овозида ҳам одатдаги нафрат йўк эди.

Факат Косло бобогина донг котиб ухлаб ётарди.

Мартин аравачасига холсизгина суюганича, мушакнинг аста-секин сўнаётганини кузатарди. У шундай дахшатга тушгандики, хаттоки йиглашга ҳам холи колмаганди. Эртасига уни Вермонт штатида, Жим тога ва Ида холаларникига бутун ёзги таътилни ўтказиб келиш учун жўнатиб юборишди (бу политсиянинг маслахати билан килинди, чунки тўлин ой котили Мартинни хавфли гувоҳ сифатида ўлдиришга уриниши мумкин эди).

У бўри-одамнинг кўркинчили киёфасини кўрган ва тирик колган илк гувоҳ эди. Ва унинг кўнглида ҳеч ким билан, хаттоки уни тушунадиган Ал тогаси билан ҳам бахам кўрмайдиган болаларча кувонч бор эди. У мушакбозлик бўлганидан бахтиёр эди...

Август

- Бўри-одам бўлганига мутлако ишонмайман, - деди констебл Генри овозининг борича. Станнинг сартарошхонасидаги ҳамма мижозлар жим бўлишди. Такер Миллзда кейинги ўн йилликдаги энг иссиқ августнинг иккинчи ярми эди. Иккинчи кундирки, тўлин ой нур сочиб турар ва бутун шаҳар нафасини ичига ютганича навбатдаги котилликни кутарди. Констебл Генри йигилганларга бир-бир кўз югуртирди ва ўз фикрини давом эттирди.

- Шундай кишилар бўладики, - деди у, - худди иккита одамга ўхшашади. Шахс иккиланишига ўхшаган нарса, тушуняписизларми?

У йигилганларнинг ўзига ҳурмат билан карашаётганидан ҳузурланиб бир оз сукут саклади, сўнг гапида давом этди.

- Бу одам ҳам ой тўлганда кўчага чиқиб одам ўлдирадиган, лекин нима килаётганини ўзи билмайдиганлар тоифасидан бўлиши керак. Аслида у хар ким бўлиши мумкин – банк кассири, ёнилги куйиш шохобчаси механиги. Эхтимол, у ҳозир орамизда ўтиргандир. Гаров ўйнашим мумкинки, у калбан йирткич, ташки кўринишидан эса оддий одам. Лекин бўрига айланадиган одам йўк, бу болалар учун эртак холос.

- Кославларнинг ўгли тўгрисида нима дейсан? – сўради Стан.

- Бу айнан менинг фикримни тасдиқлайди, - деди Генри. – Бундай бемаъниликка факат болаларгина ишонишади.

Мартин Кославнинг шаҳарчада олти кишини ўлдирган котилни кўрган биринчи гувоҳ бўлганлиги констеблнинг асабини кўзиганди. Бунинг устига, унга болани сўрок килишга рухсат беришмадими? Йўк. Боланинг каердалигини биладими? Йўк! Чунки у оддийгина кишлоки бир политсиячи-да! У факат тирмизакнинг кўрсатмаларини ўқий олди холос.

Агар унинг гапига ишонадиган бўлса, «йирткич»нинг бўйи етти футдан ортик, бутун танаси жун билан копланган. Унинг тишлари узун-узун, кўзлари яшил. Бу хали хаммаси эмас. Унинг одам кўлларига ўхшаган кўлларида узун тирноклари бор. Думи хам бор. Дум! Кандай бемаънилик!

- Балки, - деди Кенни Франклин, - балки котил бутун аъзои баданини бўяб олган одамдир? Никоб такканми?

- Бунга ишонмайман, - эътироз билдирди Генри кизишганича. - Йўқ, жаноб! Бунга ҳеч қачон ишонмайман! Мишики бола мактабда бўри-одам хакидаги хикояларни эшитиб олган ва куни билан аравасида ўтирганича у хакида ўйлаган. Бу мантикка мос келади, тўғрими? Агар ўша тунда буталар орасидан сен чикиб келганинда хам у барибир бўри деб ўйлаган бўларди!

Кенни илжайди.

- Йўқ, - мингирлади Генри. – Бу болакайнинг кўрсатмалари ҳеч нарсага арзимади. Мартин Кославнинг кўрсатмаларидан норози бўлган констебл Генри бошка бир тахминини айтиб юборишига сал колди.

- Тўртала мушак хам унинг юзи олдида портлаган, хаммаси бир вақтда. Агар унинг бир кўзи, аникроги, чап кўзи кўр бўлиб колган бўлса хам ажабланмайман.

Агар констебл Генри бу фикрида катъий турганида хам, 1984 йилнинг бу жазирама августида шахарчада факат бир киши кўзини боглаб юрганини кўриб, ўз тахминидан кулган бўларди. Шахарчадаги барча одамлар ичида энг охирида ўша кишидан гумон килиниши мумкин эди. Генри котил ўз онаси бўлиши мумкинлигига ишониши эхтимол, лекин бу кишининг котил эканлигига ўлаколса ишонмасди.

- Бу ишни очишнинг битта йўли бор, - деди Генри, девор ёнидаги курсида навбат кутиб ўтирган тўрт-беш кишига карата семиз бармогини никтаркан, - бу виждонли политсиячи текшируви. Ва бу ишни мен ўз зиммамга олмокчиман. Мен котилни тутиб келтирганимда штат федерал политсиясидаги олифталар ахмокона фикрларини бас килишади. Генрининг юзида орзу ифодаси акс этди. – У хар ким бўлиши мумкин, - мингирлади у. – Банк кассири... ёнилги куйиш шохобчаси хизматчиси... кеча барда сен билан бирга пиво ичган йигит. Хакикий политсиячи бу жумбокни ечади. Сўзларимни ёдда тутинглар. Ой шуъласида кумушдек товланган улкан бўри Такер Миллзга чикиш йўлидаги чоррахада турган «додж-пикап» машинаси ичига кириб олгач, Генрининг политсиячилик фаолияти бархам топди.

У ириллашни эшитди ва худди хайвонот богидаги шернинг кафасидан келадиган хидга ўхшаш хидни туйди.

Оркасига ўгириларкан, у ям-яшил кўзни кўрди. Катта жаглар очилгач, унинг кўзи узун тишларга тушди. Йирткич мазах килгандек ўткир тирноклари билан унинг юзини тирнади. Кон тизиллаб отилди. Генри елкасида кайнок конни хис килди. У кичкириб юборди. Йирткичнинг ортида тўлин ой хира нур сочарди.

Генри камарига кадалган тўппончасини унутиб кўйганди. Виждонли политсиячи текшируви хам унинг эсидан чикиб кетганди. Бунинг ўрнига унинг хаёлига эрталаб сартарошхонада Кенни Франклин айтган сўзлар келди. «Балки, котил бутун аъзои баданини бўяб олган одамдир? Никоб такканми?».

Бўри-одам унинг томогига чанг солаётганда Генри никобнинг йиртилган овозини эшитиш ва котилнинг юзини кўриш умидида жонхолатда йирткичнинг тумшугидан чангаллаб тортди.

Лекин газаб ва огрикка тўла йирткич ўкиригидан бошка ҳеч нарса юз бермади. Тирнокли

кўл - ха, у айнан кўлни кўрди, кандай гайритабиий бўлмасин, болакай хак экан – унинг томогини йиртиб ташлади. Машина ойнаси конга бўялди.

Бўри-одам Генрининг янги киртишланган бошидан тортиб машина ичидан чикарди.

Сўнгра тантанавор ириллади ва политсиячининг бўйнига тишини ботирди.

Сентябр

Ой охирлаб борар, тўлин ой кечаси якинлашиб келмоқда эди ва Такер Миллзнинг саросимага тушган ахолиси кўркув билан ой тўлишини кутарди, лекин ҳеч нарса юз бермади. Дунёнинг каеридадир бирин-кетин бейсбол мусобакалари ўтар ва футбол мавсуми бошланганди; Канада тоғларида эса калинлиги бир фут кор ёкканди. Лекин ер шарининг бу бурчагида хали ҳам ёз ўз хукукини талаб килаётганди. Уч хафта илгари болалар мактабга кайтишганди. Зерикарли синф хоналарида куйиб-пишиб ўтиришга махкум бу болалар ўзларича бахтсиз эдилар. Эр ва хотинлар ҳеч кандай сабабларсиз жанжаллашишарди. Шахарчага кираверишда жойлашган ЎНилнинг ёнилги куйиш шохобчасида кандайдир сайёҳ Паки ЎНил билан бензин нархи масаласида жанжаллашиб колди ва Паки уни бензин шланги билан бир солди. Окибатда Нью жерсилик йигитчанинг юкори лаби йиртилди. У тишларини гижирлатиб аллакандай суд жараёнлари хакида гўлдираганича узоклашди.

- Билмадим, унга яна нима керак эдийкин, - деди Паки кечкурун ковокхонада. – Мен уни сал туртиб кўйдим холос, тушундингми? Агар уни бор кучим билан урганимда унинг огзини бутунлай кийшайтириб кўярдим, тушундингми?

- Албатта, - деди Билли Робертсон, худди агар унинг сўзини маъкулламаса Паки уни ҳам урадигандек. – Яна пиво ичасанми, Пак?

Милт Штурмфюллер хотинини идиш ювиш машинаси ювган ликопда тухум колдиги колганлиги учун калтаклаганди. У ликопдаги сарик догга каради ва хотинини боплаб туширди. Паки ЎНил айтганидек, Милт уни «бор кучи билан» урди.

- Лаънати, - деди у бурни конаб ерда ётган Донна Лининг тепасида тураркан. – Онамнинг идиш ювиш машинаси бўлмаса ҳам идиш-товоклар доим тоза турарди. Сен нима кияпсан?!

Кейинрок Милт Портленд касалхонасидаги шифокорга Донна Ли зинадан йикилиб тушганлигини айтади. Тўккиз йилдан буён оилавий контслагерда яшаётган Донна Ли буни тасдиклайди.

Кеч соат еттиларда тўлин ой кўтарилди, шамол турди – узундан-узок давом этган ушбу мавсумдаги дастлабки совук шамол. У шимол томондан булутларни хайдаб келди ва ой гох уларнинг ортига ўтиб, гох яна пайдо бўлиб булутлар билан бир оз беркинмачок ўйнади. Сўнгра булутлар калинлашди ва ой гойиб бўлди. Хаво тундлашди. Хамма уйига шошиларди.

Тунги соат иккиларда шахардан йигирма мил нарида жойлашган Веси Стедж Роуддаги Алмер Синнеманнинг чўчкахонасида дахшатли чийиллаш эшитилди. Алмер пижамасини елкасига ташлади, шиппагини кийди ва куролини олиш учун ўрнидан турди. Хотини Алмердан унинг ташкарига чикмаслигини ўтиниб сўрай бошлади.

Алмер уни итариб юборди ва эшик ёнида турган милтигини кўлига олди. Унинг чўчкалари нафакат чийиллашар, балки худди тушида одамхўр котилни кўрган ёш кизчалардек

юракни ларзага солиб кичкиришарди.

У милтик тепкисини туширмоқчи бўлди ва дахшатли овозни эшитиб, турган жойида котиб колди. Бу бўрининг увиллаши эди, лекин унда қандайдир инсоний овоз бор эди ва бу овоз Алмер Синнеманни ортига, ошхонага қайтишга мажбур қилди. Алмер хотинини кучоклади, улар диванга ўтиришди ва худди ёш гўдақлардек қалтирай бошлашди.

Чўчкаларнинг чийиллаши аста-секин тина бошлади ва тез орада бутунлай тўхтади. Ха, улар чийилламай кўйишди. Уларнинг овози бирин-кетин ўчди. Йирткич яна увиллади.

Унинг овози кўркинчли эди.

Алмер деразага яқинлашди ва ниманингдир – айнан нима эканлигини англолмади – бир сакраб қоронгуликка сингиб кетганини кўрди.

Сўнгра дераза ойналарини ювганича ёмғир ёғди. Бу илк, хақиқий куз ёмғири эди.

Ерталаб Алмер чўчкахонасида ўзи тахмин қилган манзаранинг гувоҳи бўлди. Тўққизта чўчканинг барчаси ва иккита сигири ўлиб ётар, уларнинг танаси бўлиб ташланган, ярим ейилган ҳолатда эди. Уларнинг чаногидан чиқиб кетган кўзлари кузнинг совук осмонига тикилганича котиб қолганди.

Алмернинг Минодан етиб қелган укаси Пит унинг ёнида турарди. Улар узок жим туришди. Кейин Алмер анчадан буён ўйлаётган гапини гапирди.

- Сугурта айрим нарсаларни қоплайди. Хаммасини эмас, айримларини. Қолганига мен зарар кўрадиган бўлдим. Харқалай, одамлардан кўра чўчкаларнинг ўлгани яхшироқ.

Пит бош иргади ва кескин деди:

- Балки, етар!

- Нимани назарда тутяпсан?

- Нимани назарда тутаяётганимни биласан. Қеласи тўлин ой кечасида 40 киши ўлади, ёки 60, ёки 160... Аҳмоқ ҳам тушуниб турган нарсани тушунмасликка олишнинг кераги йўқ.

Буни қара, худо ҳақки!

Пит ерга имо қилди, чўчкаларнинг нимталанган таналари ёнида қатта-қатта излар бор эди.

Улар бўри изига ўхшарди ва айна пайтда хайратланарли тарзда инсон оёқ изларини эслатарди.

- Мана бу лаънати изларни кўряпсанми?

- Ха, - жавоб берди Алмер.

- Булар бўри-одамнинг излари, - деди Пит. – Сен буни биласан, Алис ҳам билади, шаҳардаги деярли барча одамлар буни билишади. Жин урсин, хатто мен ҳам биламан!

У ақасига қаради. Сўнг яна гапида давом этди.

- Бас, бунга чек қўйиш керак.

Алмер узок ўйланди ва жавоб қайтарди:

- Розиман, лекин қеласи тўлин ойда эмас.

- Ноябргача қутмоқчимисан?

Алмер бош силқиди.

- Ўрмон сийрақлашади ва изларни топиш осон бўлади.

- Қеласи ой бўлмайдимми?

Алмер Синнеман нимталанган чўчкаларига, сўнгра укасига қаради.

- Одамлар янада эҳтиёткорроқ бўлишлари лозим, - деди у.

Октябр

Мартин Кослав Хеллоуин байрамида совгалар олиб уйга кайтганида, уй бўм-бўш эди. У аравачасида тўгри ётоқхонасига кирди ва ярим ойнинг юлдузлар билан бурканган совук осмонга кўтарилишини томоша қилиб ўтирди. Ташқарида, айвонда совук шамол хазонларни чирпирак қилиб айлантитарди. Такер Миллзда октябрдаги тўлин ой кечаси ҳеч қандай котилликсиз ўтди. Айримлар – улардан биринчиси Стенли Пелки – сартарош ва яна бири – Кел Болдуин – бу ердаги ягона автодўкон соҳиби, дахшат тамом бўлганига ишонишарди: котил ўрмонда яшаб юрган бирор дайди бўлса керак, энди у бу ердан кетган ва қайтиб келмайди. Бошқалар эса бундай фикрда эмасдилар. Улар хисоблаб юришарди: ой тўлган туннинг эртасига ўрмондан нимталаб ташланган тўртта бугу топилганди. Узун куз окшомларида ковокхонада пиво ичиш бахонасида қайноқ бахс-мунозаралар авжига чиқарди.

Мартин Кослав эса биларди.

Ўша Хеллоуин окшомида кўчага чиқишганида, отаси унга резина никоб олиб берди.

Мартин никобни тақиб олди. У аравачасида ўтирар, жонсиз оёқларини шол рўмол ёпиб турарди.

Мартинни отаси фургон машинада олиб юрарди: унда махсус релс бўлиб, Мартин аравачасида машинадан бировнинг ёрдамисиз туша оларди. У тиззасига ҳалта қўйиб олганди ва улар йўл бўйидаги барча уйларга кириб чиқишди. Ковокхона, Сникерс бари, католик рухонийси уйи, Чанки бари ва баптист рухонийси уйида унинг ҳалтаси тўлди. Кейин улар Рендолфларникига, Куинларникига, Диксонларникига ва яна ўнлаб уйларга боришди. Мартин уйига бир ҳалта ширинлик ва қутилмаган ходисадан кўркув билан қайтарди.

У биларди.

У бўри-одамнинг кимлигини биларди.

Мартин борган уйлардан бирида, Йирткичнинг шахсан ўзи, тўгри, тўлин ой бўлмаганлиги учун у одам киёфасида эди, Мартиннинг никоб остидаги юзи девордай оқариб кетганини ва қўлқоп ичидаги бармоқлари маҳкам сикилганини сезмаган ҳолда, унинг ҳалтасига канд ташлади. Бўри-одам Мартинга қараб жилмайди ва унинг бошини силади.

Ҳа, у бўри-одам эди. Мартин буни билди. Мартин унинг кўзида тасма борлиги учунгина билгани йўқ. Бу инсон киёфаси билан бундан тўрт ой илгари ёз тунида кўзидан ажралган йирткич тумшуги орасида сезилар-сезилмас умумийлик бор эди.

Вермонтдан Такер Миллзга қайтганидан бери Мартин хушёр юрар, эртами-кечми бўри-одамни учратишига ва уни танишига ишонарди, чунки у бир кўзли одам бўлиши керак эди.

У политсияга бўри-одамнинг бир кўзи оқиб тушганлигини айтганида, улар Мартиннинг бу сўзларига бош иргаб қўйишди, лекин унга политсиячилар ишонишмагандай туюлди.

Эхтимол, уни ёш бола дейишгандир ёки ўша тунда улар бу воқеани ўз кўзлари билан кўрмаганликлари учундир. Нима бўлганда ҳам бунинг ахамияти йўқ эди – Мартин унинг кимлигини биларди.

Такер Миллз – кичкина шахарча, лекин шу кунгача Мартин бир кўзли кишини учратмади, сўраб-суриштиришга эса ботинмади. Барибир Такер Миллз – кичкина шахарча.

Эртами-кечми у Йирткични ўз инсоний киёфасида кўради. Уйга қайтаркан, жаноб Кослав Мартин бугунги байрамда чарчаганлиги учун жим бўлиб қолди, деб ўйлаётганди. Аслида бундай эмасди. Мартин ўша мушак отилган тундан бери ҳеч қачон ўзини бунчалик

тетик ва бардам хис килмаганди. У бўри-одамни топиш учун олтмиш кун керак бўлганлигини ўйларди. Ахир Мартин католик эди ва шахар четидаги черковга катнардди. Унинг халтасига ширинлик ташлаган ва бошини силаб кўйган бир кўзи боглик киши католик эмасди. Йирткич Лестер Лоу – баптист черковининг рухонийси эди.

У эшик кесакисига суяниб, жилмайди. Мартин сарик рангли тасмани аник кўрди. Тасма рухоний отага карокчи киёфасини берганди.

- Кўзингизга нима бўлди, хазрат Лоу? – деди жаноб Кослав. – Умид киламанки, бу жиддий эмас.

Хазрат Лоу маъюс жилмайди. У бир кўзидан ажралганди, лекин хаммаси Худонинг иродаси. У яна Мартиннинг бошини силаб кўйди.

Шундай килиб, Мартин октябр шамолининг кўшиги, сўнги баргларнинг шитирлашига кулок солиб, ярим ойга тикилганича каравотида ётарди.

У битта нарса ни ўйларди: энди нима килиш керак?

У хозирча нима килишни билмас, лекин бу саволга албатта жавоб топишини хис киларди. Болакай ухлаб колди, Такер Миллзда эса шамол гувиллаганича октябрни кувиб, ўзи билан кузнинг сўнги ойини олиб келмоқда эди.

Ноябр

Такер Миллзга тунд ноябр кириб келди.

Рухоний Лестер Лоу эшиги олдида турганича кўчада юз бераётган воқеаларни кузатаётганди. У хозиргина почта оркали олтита китобча ва битта хат олганди.

Кўчада машиналар тизилиб кетганди. Улар шахардан чикиб кетаётганди.

Об-хаво маълумотига кўра, кор ёгиши керак эди. лекин машиналардаги кишиларни бу нарса кўрkitолмасди. Улар ов кийимларини кийиб олишган, кўллариди курул, ёнлариди този итлари бор эди. Тўртинчи кундирки, Алмер Синнеман ва унинг укаси Пит бошчилигидаги бу кишилар шахар ташкарасига чикишаётганди.

Ой тўлишига оз колганди. Куш овлаш мавсуми аллакачон тугаганди. Бугу овлаш мавсуми хам. Лекин улар учун бўри-одам овлаш мавсуми энди бошланганди.

Бу одамларнинг айримлари шунчаки бекорчихўжалар ва ушбу сафар улар учун ўрмонда дам олиш, пивохўрлик килиш, олмахон ва карга отиш учун бир бахона эканлигини рухоний Лоу биларди.

Улар хакикий йирткичлар, ўйлади Лоу ва кўлини беихтиёр июлдан бери кўзига боглаб юрган тасмага узатди.

Охирги машина кўздан гойиб бўлди. Ха, уларнинг айримлари шунчаки бекорчилар, лекин айримлари – масалан, Алмер ва Пит Синнеманлар - ўта хавфли.

«Агар бу махлук, ким бўлишидан катъи назар – одамми ёки хайвонми – овга чикса, итлар унинг изига тушишади. – Рухоний Лоу икки хафта илгари сартарошхонада Алмернинг мана шу сўзларини эшитганди. – Агар у пайдо бўлмаса, биз кимнингдир хаётини, хеч бўлмаганда, бирортасининг чорвасини саклаб колган бўламиз».

Ха, улардан айримларининг - ўн кишими, эхтимол йигирма кишидир – кўлидан иш келади. Лекин рухоний Лоуни улар эмас, бошка нарса ташвишга солаётганди.

Хатлар, мана нима ташвишга солаётганди уни. Ёш бола кўли билан ёзилган хатлар. У бугун келган хатга каради. Илгаригилари билан бир хил ёзув: «Рухоний Лоуга, баптист

рухонийси уйига, Такер Миллз, Мейн 04491».

Ва яна ўша туйгу... куршовга тушган махлук туйгуси. У итлар куршовига тушган – жангга тайёр, лекин айна пайтда итлар томонидан ёриб ташланишини тушуниб турган тулки тахлика остида нимани хис қилишини тасаввур қилди.

У эшикни охиста ёпди ва бобосидан қолган соат ҳар бир сонияни санаб турган меҳмонхонага қирди; у ўтирди, Миллер хоним ҳафтада икки марта артадиган стол устига диний китобларни қўйди ва янги қелган хатни очди. Олдин қелган мактублардаги сингари унда ҳам на салом-алиқ, на имзо бор эди. Мактаб дафтарида йиртиб олинган бир парча қозғоқ шундай сўзлар ёзилганди:

«Нега ўзингизни ўлдирмаяпсиз?»

Рухоний Лоу қалтираётган қўли билан юзини қангаллади. Бошқа қўлидаги қозғоқни қимиллади ва стол устидаги қулдонга ташлади. У чўнтагидан гугурт чиқарди ва илгаригилари қаби бу хатни ҳам ёқиб юборди. У хатнинг ёнишини диққат билан қузатиб турди.

Ўзининг аслида қим эканлиги ҳақидаги фикр Лоунинг миёсига икки томондан қелганди. Биринчидан, май тунидаги даҳшат – тушида черқовдаги барча одамларнинг бўрига айланиб қолиши, кейин эса Клайд Корлисснинг ёриб ташланган жасади топилиши. Ўшанда у илк бор ўзида... қандайдир ўзгариш бўлаётганини сезганди. У буни нима деб аташни билмасди. Лекин нимадир жойида эмасди. У баъзида эрталаблари, тўлиқ ой пайтида ажабланарли тарзда тетик, бардам қолди уйғонди. Бу ҳиссиёт аста-секин йўқолиб борар ва ой тўлиқ пайтда яна пайдо бўларди.

Туши ва Корлисснинг ўлимини эсларкан, у шу пайтгача ўзи рад этиб қелган бошқа далилларни ҳам тушуна бошлади. Масалан, ифлос ва йиртилиб қетган қийимлар, танасидаги қўқимтир доғлар ва яралар (улар мураккаб оғримас ва жуда тезлик билан битиб қетарди). У ҳаттоки баъзида қўллари ва... лабларида қотиб қолган қон доғларини ҳам рад этарди.

Иккинчидан, 5 июл куни у эрталаб бир қўздан ажралган қолди уйғонганди. Худди қўқимтир доғлар ва тилинган излардаги сингари у бу сафар ҳам ҳеч қандай оғрикни сезмади – фақатгина чап қўзи ўрнида бўшлиқ пайдо бўлганди. Энди ҳаммаси аён бўлган, рад этишнинг иложи йўқ эди: у – бўри-одам, у – Йирткич.

Кейинги уч кун давомида уни яна ўша таниш ҳиссиёт қўлга олди. Бугун ой тўлади ва овчилар итлари билан изғиб юришади. Хўш, нима бўпти! У улар ўйлагандан қўра ақллироқ. Улар бўри-одам ҳақида гапиришяпти, лекин одамни эмас, фақат бўрини назарда тутишяпти. Улар ўз машиналарида юришади – у ҳам ўз машинасида юриверади. Бугун, тушдан сўнг, у Портленд йўлидаги бирорта меҳмонхонага боради. Бўрига айланганида эса унинг ёнида ҳеч қим, овчилар ҳам, итлар ҳам бўлмади. Йўқ, улар уни қўрқитолмасди, у улардан қўрқмайди.

«Нега ўзингизни ўлдирмаяпсиз?»

Дастлабки хат шу оининг бошида қелганди. Унда шундай сўзлар бор эди:

«Қимлигингизни биламан!»

Иккинчисида шундай ёзилганди: «Агар Худога ишонсангиз – шаҳардан қетинг.

Одамларни эмас, ҳайвонларни ўлдиришингиз мумкин бўлган бирор жойга қетинг».

Учинчи мактуб:

«Бас қилинг!»

Бор-йўғи шу - «Бас қилинг!»

Энди эса:

«Нега ўзингизни ўлдирмаяпсиз?»

Чунки бундай килишни истамайман, жahl билан ўйлади рухоний Лоу. Менга нима бўлганини тушунтириб беролмайман. Мени бўри тишламаган, лўли аёл каргамаган. Бу шунчаки... шунчаки содир бўлди. Бир куни, ўтган йилнинг ноябрида, Саншайн Хилл кабристониди бир неча дона гул уздим ва уларни черковдаги гулдонга солиб кўймокчи бўлдим. Мен илгари бундай гулларни кўрмагандим... Шахарга кайтгунимча улар сўлиб колди. Хаммаси корайиб кетди. Эхтимол, бу ўшанда бошлангандир. Бундай ўйлашга сабаб йўк, албатта, лекин барибир... Мен ўзимни ўлдирмайман. Йирткич улар, мен эмас! Лекин хатларни ким ёзптикин?

У билмасди. Мартин Кославга бўлган хужум хакида Такер Миллз газеталарида ҳеч қандай хабар берилмаган, миш-мишларга кулок солишни эса Лоу ўз кадрили ерга уриш деб биларди. Хеллоуин байрамига қадар Мартин Лоу хакида билмагани каби, рухоний Лоу ҳам Мартин хакида ҳеч нарса билмасди. Йирткич киёфасида ўзи билан нималар содир бўлиши хакида эса ҳеч қандай тасаввурга эга эмас, фақат бу даврнинг бошланишидаги хавотир ва ундан кейинги коникиш хиссини биларди, холос.

Мен Худога ишонаман, ўйлади у, хонада борган сари тезроқ юраркан. Унга мехмонхона торлик кила бошлади. Мен Худога ишонаман ва ўзимни ўлдирмайман. Мен яхши ишлар киламан ва агар баъзида ёвузлик киладиган бўлсам нима бўпти – менгача ҳам одамлар ёвузлик килишган; ёвузлик ҳам Худонинг иродаси, агар мен лаънатланган бўлсам, Яратган мени кечиради ва ўз даргохига қабул килади. Хамма нарса Яратганга боглик... У ким экан-а? Қандай килиб билсам бўлади? Тўртинчи июл куни кимга хужум қилганман? Кўзимдан қандай ажрадим? Нима учун у шу пайтгача жим юрди? Итларингизни тезроқ йўкотинглар. Тезроқ...

У тобора тезроқ юра бошлади, ундаги зўриқиш кучайди ва у сийрак соколи калинлашаётганини, ягона кўзи эса яшил тусга кираётганини сезмади. У энқайди ва ўзи билан ўзи гаплаша бошлади... лекин унинг сўзлари ириллашга айланиб борарди. Нихоят, кун тун билан алмашди. Лоу ошхонага отилди, кийим илгичда турган машина калитини олди ва гаражга чопди. У Портлендга йўл олди. Даствлабки қор учқунлари машина чироклари нурида ракс тушганича ерга тушарди. Лоу булутлар ортидаги ойни, унинг кучини хис қилди, кўкрак кафаси оқ кўйлагини йиртганича кенгая бошлади.

У радио мурватини буради ва ўзини шунчаки... зўр хис қилди! Ўша тунда юз берган нарса ё Худонинг жазоси, ёки тақдир хазили эди – бу жуда қулгили, чунки Лоу Йирткичга айланиш учун Портлендга кетгани, у ўлдирган одам эса Такер Миллзда яшайдиган Милт Штурмфюллер бўлиб чиқди... Эхтимол, Худо шундай бўлишини истагандир, чунки Такер Миллздаги энг аблах одам айнан Милт Штурмфюллер эди. У ўша тунда худди илгаригилари каби хотини Донна Лига иш билан кетаётганлигини айтиб уйдан чиқиб кетган, унинг «иши» эса Донна Ли анчадан буён бермай кўйган лаззатни берувчи Рита Теннисон исмли фохиша эди.

Рухоний Лоу Портленд-Вестбург шоссеси бўйидаги «Орифтвуд» мехмонхонасига келган ва Милт Штурмфюллер билан Рита Теннисон ҳам ўша ноябр тунида ўз ишларини бажариш учун айнан мана шу мехмонхонани танлашгани.

Милт кеч соат ўндан ўн беш дақиқа ўтганида машинасида қолдирган ичкиликни олиб келиш учун ташкарига чиқди. У ой тўлган мана шундай тунда Такер Миллзда эмаслигидан ўзини-ўзи табриклади ва айни шу лахзада машина томидаги бир кўзли Йирткич бир ҳамла билан унинг бошини узиб ташлади. Милт Штурмфюллер эшитган сўнги нарса бўри-одамнинг тантанали увиллаши бўлди; унинг боши машина остига

юмалади, унинг кўзлари очиклигича котиб колган, бўйнидан кон шовиллаб отиларди. Йирткич унинг жасади устига энгашиди ва ютокиб кон ича бошлади.

Ертасига эса Такер Миллздаги уйида ўзини шунчаки... зўр хис килаётган рухоний Лоу котиллик хакида газетада ўкийди ва шундай ўйлайди: «У яхши одам эмасди. Бу Худонинг иродаси».

У яна шундай деб ўйлайди: «Менга хат ёзаётган бола ким экан-а? Июлда кимга ташлангандим? Буни аниклаш керак. Энди миш-мишларга кулок солмасам бўлмайди».

Рухоний Лоу кўзидаги тасмани тўғрилади, газетани ёпди ва ўйлади: «Хаммаси Яратганнинг иродасига боглик, агар Худо хохласа, мен уни топаман. Ва овозини ўчиришга мажбур киламан. Бир умрга».

Декабр

Янги йил киришига ўн беш дакика колганди. Дунёнинг бошка жойларида бўлгани каби йил охирига етаётган ва хамма ерда бўлганидек, Такер Миллзда ҳам ўзгаришлар юз берганди.

Милт Штурмфюллер ўлган ва унинг ниҳоят кулликдан кутулган беваси Донна Ли шаҳардан кўчиб кетганди. Айримлар унинг Бостонга, айримлар эса Лос Анжелесга кетганини айтишарди. Бир аёл шаҳарчада китоб дўкони очганди, дўкон ёниб кетди. Сартарошхона ва ковокхона, Худога шукрки, ўз жойида эди. Мархум Клайд Корлисснинг кўлидан ҳеч нарса келмайдиган укалари Алден ва Эррол хали ҳам тирик эдилар. Шаҳарда энг ширин пирог пиширадиган Грамма Хейг инфарктдан вафот этганди. Тўксон икки ёшли Вилли Харрингтон Болл стритдаги уйида сирганиб йикилиб тушиб оёгини синдириб олганди. Мактаб директори Олли Паркернинг бурнидан кон кетиб, кучли зўриқиш деган ташхис кўйилди. Яхшиямки, мянгиш окиб кетмабди, деди шифокор, унга кон босимига карши дори ёзиб бераётиб ва Оллига кирк фунтга озишни маслаҳат берди. Ажабланарлиси шундаки, Олли Рождествогача йигирма фунтга озди. У ўзини бутунлай бошка одамдек хис киларди. «У тўшакда ҳам бошка одамга айланди», деб мактанди унинг хотини сирдош дугонаси Дейл Барнига. Варрак мавсумида Йирткич ўлдирган Бреди Кинкейд хали ҳам ўлганлигича колган, ногиронлар аравачасида ўтирадиган Мартин Кослав эса илгаригидай ногирон эди.

Нимадир ўзгарган, нимадир асл холича колган ва Такер Миллзда йил кандай – кучли шамол ва Йирткичнинг кўринмас ташрифи билан – бошланган бўлса, шундай охирига етаётганди.

Кославларнинг мехмонхонасида Мартин ва тогаси Ал ўтиришарди. Улар телевизорда Дик Кларкнинг янги йил шоусини томоша килишаётганди. Мартиннинг тиззасида 38-калибрли «колт» тўппончаси ётарди. Унинг ичида соф кумушдан тайёрланган иккита ўк бор эди. Алнинг Хемденда Мак-Катчен исмли дўсти бор эди. Бир неча марта рад этишлардан сўнг у Мартиннинг кумуш қошигини эритишга ва иккита ўк ясаб беришга рози бўлганди.

- Бунинг ишлашига кафолат беролмайман, - деди Мак-Катчен Алга, - лекин ишлаши керак. Менга кара, кимни ўлдирмокчисан, бўри-одамними ёки конхўр махлукними?

- Иккаласини ҳам, - деди Ал унга жавобан куларкан. – Бу менинг жиянимга. У дахшатли филмларни севиб томоша килади ва ўйлайманки, бу унга зўр совга бўлади.

- Бўпти, ўк отилганидан сўнг уни топсанг, менга олиб келиб бер, - деди Мак-Катчен. – Унга нима бўлишини кўрмоқчиман.

Ростини айтганда, Ал нима килишга ҳам хайрон бўлиб колганди. У Такер Миллзда тўртинчи июлдан бери бўлмаган ва Мартинни ўшандан буён кўрмаганди. Унинг опаси, Мартиннинг онаси Алнинг совгасидан тепа сочи тикка бўлганди.

- Ахмок, унга бирор нарса бўлиб колса нима килардинг? Килаётган ишингни ўйладингми?! – кичкирди у телефонда.

- Айтишларича, уни айнан мушак саклаб колибди-ку, - ўзини оклашга уринди Ал, лекин телефонда киска гудок товушини эшитди. Опаси кайсар аёл эди. эшитгиси келмаган нарсани эшитмасди.

Кейин эса, шу ойнинг бошида Мартин кўнгирок килди.

- Сиз билан кўришим керак, Ал тога, - деди у. - Факат сизга айтадиган гапим бор.

- Ойинг билан уришиб колганман, - жавоб килди Ал.

- Бу жуда мухим, - деди Мартин. – Илтимос!

У келди ва опасининг таъналарини сабот билан тинглади, сўнг Мартин билан бирга сайр килишга рухсат сўради.

Декабрнинг аёзли, очик куни эди. Ал тогаси уни машинасига ўтказди ва улар йўлга тушишди. Ал тога Мартиннинг хикоясини хавотир билан тинглади.

Мартин хикоясини мушакбозлик килган тундан бошлади. У мушак отиб Йирткичнинг чап кўзини чикарганини айтиб берди. Кейин эса Хеллоун байрами, рухоний Лоу ва имзосиз хатлари хакида айтди. Портлендда Милт Штурмфюллер ўлдирилганидан сўнг ёзилган икки хатга имзосини кўйганини ҳам айтди.

- Унга хеч қандай хат ёзмаслигинг керак эди, - деди Ал тогаси. – Э, Худо, Мартин, сен адашаётган бўлишинг мумкинлиги хаёлингга келмадимми?

- Келди, - деди Мартин. – Шунинг учун ҳам охирги икки хатга имзо кўйдим. Кейин нима бўлганини сўрамайсизми? У отамга кўнгирок килиб хат ёзаётганимдан шикоят килган-килмаганлигини сўрамайсизми?

- У бундай килмадимми? – сўради Ал қандай жавоб бўлишини сезган холда.

- Йўк, - деди Мартин. – У отам билан ҳам, онам билан ҳам, мен билан ҳам гаплашмади.

- Мартин, унинг бундай йўл тутганига юзлаб сабаблар бўлиши мумкин.

- Йўк. Факат битта. У – бўри-одам, у – Йирткич ва у ой тўлишини кутяпти. Рухоний Лоу сифатида у хеч нарса килолмаслиги мумкин. Лекин бўри-одам киёфасида кўп нарса кўлидан келади. У мени ўлдириши мумкин.

Мартин бу сўзларни шундай соддалик билан айтдики, Ални деярли ишонтирди.

- Сенга қандай ёрдам беришим мумкин? – сўради Ал.

Мартин унга мақсадини айтди. Унга иккита кумуш ўк ва тўппонча керак. У яна Ал тогасининг янги йил арафасида, ой тўладиган тунда унинг ёнида бўлишини истайди.

- Йўк, - деди Ал тогаси. – Сен яхши боласан, Мартин, аммо, ошириб юбораётганга ўхшаяпсан. Яна бир марта ўйлаб кўр.

- Эхтимол ошириб юбораётгандирман, - деди Мартин. – Лекин янги йил куни сизга кўнгирок килишиб, каравотда менинг бурдалаб ташланган жасадим ётганлигини айтишса, қандай ахволга тушасиз? Сиз шуни истайсизми, Ал тога?

Ал нимадир демокчи бўлди, лекин ўйланиб колди ва машинасини шоссе томон кескин бурди. У Ветнамда жанг килган ва бунинг учун тақдирланганди, у бир неча марта аёллар кўйган тузокларга чап берганди, хозир эса ўн яшар жиянининг кармогига илинганди.

Тўгри, у буни тан олишни истамасди. Аммо Мартин тогасини яхши билади, у энди

Мартиннинг иттифокчисига айланганди.

Тўрт кундан кейин, ўнинчи декабрда Ал тога кўнгирок килди.

- Ажойиб хабар! – эълон килди Мартин оила аъзоларига. – Ал тогам янги йил куни бизникига келаркан!

- Хеч қачон! – деди онаси катъий килиб.

Лекин Мартинни бу фикридан қайтаришнинг иложи йўқ эди.

- Ахир уни мен таклиф қилганман.

Онаси куни билан унга норози киёфада тикилиб юрди. Лекин укасига унинг келмаслигини сўраб кўнгирок қилмади. Энг муҳими ҳам шу эди.

Нихоят вақт бўлди. Янги йил арафаси. Ал келмаслигига Мартиннинг онасининг ишончи қомил эди. Ташқарида хақиқий қор бўрони бўлаётганди. Шамол қор учқунларини учирганча увилларди. Тўгрисини айтганда, Мартин хавотирга тушиб қолди, лекин Ал тоғаси кеч соат саккизларда қириб қолди.

Ўн бир яримда ҳамма ухлаб қолди. Факат улар иккаласигина уйғок эдилар. Ал тога бу бемаъниликка ишонмаса-да, эҳтиёт шарт битта эмас, иккита тўппонча олиб қолганди. Қумуш ўқлар солинган тўппончани Мартинга берди. Иккинчисини, 45-калибрли «магнум» тўппончасини эса, агар ўша махлук қириб қолса отаман, деган фикрда (у бу фикрига тобора шубҳа қилаётганди, чунки вақт ўтиб борар, бироқ бўри-одамдан дарак йўқ эди) ўзида олиб қолганди.

Улар ҳозир телевизорда Тамс Сквердаги Алед Кемикл биноси устидаги улкан шарнинг нур сочишини томоша қилиб ўтиришарди.

Йилнинг сўнги дақиқалари ўтиб борарди. Телевизор қаршисидаги бурчакда янги йил арчаси турар, у жуда маъюсга ўхшарди.

- Мартин, хеч нарса... - сўз бошлади Ал тога ва айни шу лаҳзада меҳмонхонанинг гулли дераза ойнаси парча-парча бўлиб қетди. Ичкарига совуқ шамол, қор учқунлари ва ... Йирткич қириб қолди.

Ал даҳшатдан қотиб қолди. Йирткич жуда улкан, қўллари гиламга теккудай энгашиб юрса-да, бўйи етти фут эди. Унинг ягона яшил кўзи (Мартин тасвирлагандай экан, ўйлади таҳликада Ал) атрофга аланглади ва ногиронлар арачасида ўтирган Мартинга тикилди. У тишларини иржайтирганича бола томон юрди.

Мартин хотиржамлик билан «қолт»ини кўтарди. У арачасида жуда қичкина кўринарди. Унинг оёқлари худди ёғочдек осилиб турарди. Бўри-одамнинг ўқириши, шамолнинг чийиллаши, дунёда бундай воқеа қанақасига содир бўлиши мумкинлиги ҳақида миясида қарх ураётган фикрлари орасида Ал жиянининг овозини эшитди:

- Бечора руҳоний Лоу. Мен сизни қутқармокчиман.

Мартин тепкини босди. Тўппонча қандайдир бўғик товуш қиларди.

Бўри-одамнинг ўқириги бошқача оҳангда янграй бошлади, энди у оғриққа қидолмаган хайвоннинг қичқиришига айланганди. У девор томон учиқ қетди. Девордаги Қуре ва Ив мўйқаламларига мансуб асарлар унинг устига тушди. Унинг даҳшатли тумшуги қонга бўялган, яшил кўзида эса хайрат ифодаси мужассам эди. У Мартин томонга яна қадам ташлади. Мартин тўппончани худди ёш бола қойнақ кўтарганидек иккала қўлида тутиб турарди. У қутди, қутди... ва бўри-одам яқинлашиши билан яна ўқ узди. Йирткичнинг кўзи худди шамолда ўчган шамдек ўчди. У дераза пардасига ўралашиб қолди. Ал оппоқ пардани бўяётган қонни кўрди.

Мартиннинг отаси кўзлари қинидан қиккудек қолатда эшиқни очганида бўри-одам чўққалаб қолганди. Алнинг «магнум»и тиззасида турар, талмовсираганидан тўппончани

отиш хаёлига ҳам келмаганди.

Йирткич йикилди... жон талвасасида типирчилади... ва ўлди.

Жаноб Кослав дахшатдан огзини очганича караб турарди.

Мартин тоғасига ўгирилди, кўлидаги тўппончадан тутун чиқарди. У хоргин, лекин хотиржам кўринишда эди.

- Янги йилингиз билан, Ал тоға, - деди Мартин. – Йирткич ўлди. – Шу сўзларни айтаркан, у йиглаб юборди.

Кослав хонимнинг энг чиройли дераза пардасига ўралашиб колган бўри-одамнинг кўриниши аста-секин ўзгара бошлади. Унинг юзи ва танасини колаган жунлар йўқолди.

Огрик ва газабдан кимтилган лаблар бўшашди. Панжалари оддий кўлга айланди.

Пардага ўралган рухоний Лестер Лоу ўз конидан пайдо бўлган халқобда ётарди.

Ал тоға Мартиннинг ёнига келди ва уни юпата бошлади. Отаси эса ерда ётган жасадга тикилди. Мартиннинг онаси эшик ёнида турарди. Ал Мартинни бағрига маҳкам босди:

- Хаммасини зўр бажардинг, кичкинтой, - шивирлади у. – Мен сени яхши кўраман.

Ташкарида шамол увиллар, кор ёғар, Такер Миллзда эса янги йилнинг илк дақиқаси тарихга айланиб улгурганди.

Русчадан Дилшодбек Аскарлов таржимаси